

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

581 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2660-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2660-сонли қарорининг ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2660-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 июнь,
ПҚ–3097-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 27 июндаги
ПҚ–3097-сонли қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2660-сонли қарорига киритиладиган ўзгартишлар

17-банднинг:
иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасидан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин;
учинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

«қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспортлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (республика худудидаги) — кўп квартиралли уйлар объектларини «тайёр ҳолда топшириш» шартларида қуриш учун «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК ва пудрат ташкилотларига сотиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва автотранспортлари ҳажми бўйича қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва ягона солиқ тўловларидан;

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК ва бош пудрат ташкилотлари — кўп квартиралли уйлар объектларини қуриш учун хориждан келтириладиган, хом ашёлар, буюмлар, узеллар, конструкциялар, қурилиш материаллари, қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар, шунингдек, уларга эҳтиёт қисмлар, автотранспорт воситалари, йўл-қурилиш техникаси билан бирга белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича божхона (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) тўловларидан;

импорт қилувчи ташкилотлар — «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК ва бош пудрат ташкилотларига импорт маҳсулотларини етказиб беришда импорт қилинадиган қурилиш материаллари, хом ашёлар, буюмлар, узел ва конструкциялар, шу жумладан, ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар, пассажир лифтлари ва якка тартибдаги қозонхоналар божхона (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) тўловларидан, шунингдек, қўшимча қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва ягона солиқ тўловларидан;

ишларни (хизматлар) бажараётган ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — Дастурни амалга ошириш қисмида қўшимча қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва ягона солиқ тўловларидан;

««Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК — давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва барча турдаги солиқ тўловларидан озод этилсин».